Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 132 (3633).
12 ДУШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ноқоратупроқ зона: ривожланиш уфқлари

НОВГОРОД ДИЁРИДАГИ ЎЗБЕК НАҚШЛАРИ

Шимск район марказининг жануби-ғарбий чеккасида Чуст номи билан аталган яна бир кўча пайдо бўлди. Бу кўча уни қурган кишилар ва бу ерда яшайдиган кишилар — Узбекистон мелиораторлари шарафига шундай деб аталмоқда. Узбекистон мелиораторлари РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасини яшнатишдек муҳим умумдавлат ишида иштирок этмоқдалар. Уйларнинг квартираларида худди шаҳардагидек қулайликлар бор. Қурувчилар рангли ғиштлардан фойдаланиб, уйларнинг деворларини миллий ўзбек нақшлари билан безатмоқдалар. Унинг ёнгинасида яна икки кўча бор. Бу кўчаларни ҳам Узбекистон мелиораторлари яқинида қуришган, улар Тошкент ва Наманган кўчалари деб аталмоқда.

«Узновгородводстрой» трестининг «Тошкент-3» механизациялашган махсус кўчма колоннаси коллективи Шимскда, шунингдек Новгород ва Сольцида уй-жой қуриш билан шуғулланмоқда. Коллектив шу йилнинг ўзидаёқ тўққиз минг квадрат метр уй-жойни топшириши, трест маъмурий биносини қуриб бериши, бошқа ишларни қилиши керак. Одамлар ўз зиммаларига юкланган вазифаларнинг муҳимлигини тушуниб меҳнат қилмоқдалар. А. Мамаев бошлиқ дурадгорлар бригадаси ишни юксак суръатлар билан бошлаб, қурилиш коллективлари орасида биринчиликни мустаҳкам эгаллаб турибди. Иш чоғида бир-бирининг ўрнида тўла ишлай олиш бунда қўл келмоқда. Бригаданинг ҳар бир аъзоси, иккита-учта турдош ҳунарни эгаллаб олган. Ю. Фёдоров бошлиқ комплекс бригада ва Т. Луньянова бошчилигидаги пардозлаш бригадаси илғор коллективларининг ҳам шуҳрати ёйилмоқда.

Новгород областида Узбекистондан келган ўнта механизациялашган колонна ишлаб турибди. Бу колонналар «Ташкентский» ва «Дружба» совхозларини, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурмоқда, ерни яшнатмоқда.

В. ЧЕРНЯЕВ,
ТАСС мухбири.
Новгород.

Сифат ва самарадорлик — шиоримиз

Беш йиллик ғолиби

Тўқимачилик комбинатининг машҳур тўқувчиси Валентина Ивановна Кузнецовани ҳамкасблари қизғин муборакбод этишди. Бу илғор ишчи улуғвор ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Социалистик мажбуриятининг уддасидан чиққан тўқимачи беш йиллик бошидан буён 1 миллион 578 минг метр хом сурп тайёрлашга эришди. Маҳсулотнинг 99,8 проценти фақат биринчи сортларга топширилган.

В. И. Кузнецова ўз ишини ҳар томонлама пухта ташкил қила олганлиги, иш вақтидан ўринли фойдаланаётганлиги натижасида бундай муваффақиятга эришди. У асосан соҳанинг типовой нормаси бўйича 24 станок ўрнига 56 тасига зичлашган услубда хизмат кўрсатмоқда. Зарбдор тўқимачи зиммасига яна бир беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олиш билан бирга ёш ишчи Н. Файзуллаевани ўз оталиғига олди.

Коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Ким ўн йилдан буён Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7- цехида баракали меҳнат қилиб келади. Чевар ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган эди. Ҳозир у апрель ойидан буён ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: В. Ким. М. Нуриддинов фотоси.

ПРАВДА саҳифаларида

● Швеция қироли Карл XVI Густав ва қиролича Сильвия кеча Киевдан Тошкентга келишди. Аэропортда уларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

● «Ягона оилада» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. «Мамлакатимиз халқлари ягона хоҳиш-иродаларини ифода этувчи янги Конституцияси бўйича аҳил оила бўлиб яшашмоқда. Конституция совет жамиятининг тарихида, барча социалистик миллатларнинг янада ривожланиши ва яқинлашувида шонли босқич бўлиб қолди, — дейилади жумладан бош мақолада. — Коммунистик партия томонидан марксизм-ленинизм руҳида тарбияланган совет кишилари — оташин ватанпарвар ва эътиқодли интернационалистлардир. Улар тўла ишонч, тенглик ва барча социалистик миллатларнинг дўстона ҳамкорлигига асосланган бирлиги билан кучлидир. Халқларнинг бузилмас дўстлиги — уларнинг фаровонлиги ва бахт-саодати, кўп миллатли Ватанимиз қудрати ва гуллаб-яшнашининг гаровидир», деб таъкидланади мақолада.

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-филиалининг коллективи зарбдор йилда фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу коллектив москваликларнинг беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш тўғрисидаги ташаббусига пойтахт енгил саноатчилари ўртасида биринчилар қатори қўшилди. Корхона меҳнат аҳли Енгил саноат ходимлари кунини меҳнатда ютуқлар билан нишонлади.

БУГУН

корхонанинг йил бошидан буён планга қўшимча ишлаб чиқарган ва савдо ташкилотларига юборган маҳсулотлари 250 минг сўмликка етди. Шуниси қувончлики, тайёрланган маҳсулотларининг 550 минг сўмлиги Давлат Сифат белгиси билан чиқарилди. Булар — болалар костюми, катталар свитери, болаларнинг уч хил кўйлаги, эркаклар нимчаси каби устки трикотаж буюмлардир.

Ўзаро социалистик мусобақада коммунист Х. Имомова, Л. Феоктистова, комсомол аъзоси О. Қосимова, М. Муҳиддинова каби илғорлар пешқадамлик қиляпти.

ЕТТИТАГА ЕТДИ

Утган йили Югославиянинг Загреб шаҳридаги халқаро ярмаркада Узбекистон экспонатларидан саккизтаси олтин медалга сазовор бўлди. Шулардан бири «Тошкентвино» комбинатининг «Узбекистон» виносидир. Мана тўрт йилдирки, комбинат коллективи бу винони Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаряпти. Корхонанинг «Лаззат», «Чашма», «Ҳосилот» каби беш қиррали белгили, хуштам винолари ҳам иттифоқимизда ва чет элларда кенг довруғ қозонган. Утган йилнинг охирида бу ерда Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори еттитага етди.

Комбинат коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга, беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган план ва мажбуриятларни бажаришга ҳам муҳим эътибор беряпти. Корхонада беш ой мобайнида 15 миллион 705 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу маҳсулотнинг 550 минг сўмликдан ортиғи планга қўшимча тайёрланди. Ҳозир коллектив йиллик графикдан бир ҳафта илгарилаб меҳнат қиляпти.

Жасорат ва тараққиётнинг ёрқин намунаси

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимиз халқларининг Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши олиб борган адолатли кураши ва Буюк Ғалабадан кейин тикланиш йилларидаги фидокорона меҳнати «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларида ёрқин акс эттирилди. Чиндан ҳам бу иккала асар совет кишиларини, айниқса ёш авлодни ғоятда тўлқинлантирмоқда. У ўзининг чуқур мазмуни ва кенг мушоҳадаси билан ҳар бир совет кишисининг она-Ватанни севишга, унинг қудратини оширишга ғайратлантиради.

Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида қатнашган собиқ ҳарбийлар, ҳозирги пайтда Ватаннинг муқаддас чегараларини кўз қорачиғидек қўриқлаётган фарзандлар ҳам ана шу иккала асарни қизиқиб ўқимоқдалар ва уларга юксак баҳо бермоқдалар. Куни кеча Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарлигида Тошкент шаҳри ва пойтахт области ҳарбий комиссариатларининг ходимлари учун ўтказилган илмий-амалий конференцияда ана шу ҳақда гапирилди.

Конференцияни республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи, полковник Павел Семёнович Шеянов қисқача кириш сўзи билан очиб, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг иккала асари ҳозирги давримизнинг муҳим воқеаси, унинг маданиятимиз хазинасидан дурдона сифатида ўрин олиши, иккала китобдан олинаётган ёрқин таассуротлар ҳақида гапириб берди.

Шундан кейин Новороссийск яқинидаги Кичик ерда олиб борилган қаҳрамонона жангларда қатнашган батальон командири, ҳозирги пайтда 18-Армия ветеранлари Тошкент секциясининг раиси А. К. Акопян, шу армиядаги собиқ полк командири С. Насруллаев, Бекобод шаҳар ҳарбий комиссари, майор С. А. Гончаров сўз олиб мамлакатимиз халқларининг жасорати ва қудрати бу китобларда ҳар томонлама ёрқин акс эттирилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

• *Беш йиллик вахтасида*

ВЕТЕРАНЛАР ҒАЙРАТИ

Тамара Борисовна Никифоровани касбдошлари самимий табриклашди. Айниқса унга шогирдлари ҳавас билан боқишди. Коммунист, ишлаб чиқариш устаси кўн-галантерея фабрикасида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб, коллектив ўртасида «энг яхши уста» номини олишга сазовор бўлди. Т. Б. Никифорова Давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган сафар сумкалари цехида мастерлик қилмоқда.

Унинг сафдошларидан йигирма нафар ишлаб чиқариш усталарига «Меҳнат ветерани» деган шарафли ном берилди. Булар орасида Фароғат Турсунова, Тоҳир Мирхамидов, Николай Левицкий, Нина Суязова ва бошқалар бор.

Коллектив ўртасида кенг қулоч ёзган москваликларнинг беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариш ташаббусининг биринчи издошлари ва ана шу ташаббус пешқадамлари ҳам шу ишлаб чиқариш кадрларидир.

— Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли, — дейди фабрика план бўлимининг бошлиғи Фарида Романова, — коллективимиз ой сайин планни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этмоқда.

БУГУН

кўн-галантерея усталарининг йил бошидан буён планга қўшимча тайёрлаган маҳсулотлари 150 минг сўмга етди. Ўтган даврда қабул қилинган социалистик мажбурият 110 процент адо этишга муваффақ бўлинди.

• *Истеъмол буюмларига — кенг йўл*

НАФИС ВА БЕЖИРИМ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг енгил саноат павильони ўзининг бир неча минглаб нодир экспонатлари билан зиёратчиларнинг диққатини жалб этмоқда. Бу ерда намойиш этилаётган маҳсулотларнинг намуналари асосан шу кунларда корхоналарда тайёрланиб истеъмолчиларга тақдим этилаётган буюмлардир. Тўқимачилик, пойафзалчилик, озиқ-овқат, мебелсозлик сингари соҳалар бўйича жуда кўп янги маҳсулотлар кўрсатилмоқда.

БУГУН

павильонда «Сувенир» фабрикасининг усталари тайёрлаган нафис буюмлар ҳам пайдо бўлди. Улар ёғочдан ишланган митти лаган ва вазалар, совға буюмларидир. Корхона усталари ёғоч вазаларга шарқнинг энг машҳур рассоми Беҳзод ишлаган расмларни моҳирона туширишган. Лаганларда тасвирланган ўзбек миллий ўйинлари ҳам диққатга сазовор.

ЭРКАКЛАР УЧУН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи янги моделда эркаклар костюмларини тикиб чиқаришни ўзлаштирди. Давлат аттестация комиссияси бу моделга Сифат белгиси берди.

Ҳозир бирлашманинг олти хил маҳсулоти фахрли эмблема билан чиқарилмоқда.

НАМАНГАН МАРКАСИ

Наманган шойи газлама комбинатининг дессинаторлари янги хил кўйлак материалларни ишлаб чиқдилар. Уларни тўқишда пахта ип ва вискозалавсан толадан фойдаланилади. Синтетик ип ишлатилиши маҳсулот сифатини оширади.

Шу молларнинг биринчи туркуми харидорларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Шу йил корхона коллективи яна икки хил газлама тўқиб чиқаришни ўзлаштиради.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ **Областнинг партия, совет, касаба союз ва комсомол активи ҳамда меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларини ўрганиш ва муҳокама қилишни давом эттирмоқдалар.**

Областнинг иккита шаҳар ва ўнта район партия ташкилотларида партия активлари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари Л. И. Брежневнинг ана шу китоблари асосида ишларнинг услуби ва методларини янада такомиллаштириш борасида партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ҳозиргача ўтказилган 2500 га яқин йиғилишда 200 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

◆ **Янгийўлдаги пойафзал фабрикасининг 3-цехида пойафзал тикишнинг янги технология жараёни ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.** Янгиликдан йилига 15 минг сўм иқтисодий фойда олиш мумкин.

◆ **«Узбексельмаш» заводининг коллективи тайёрланаётган тўрт хил маҳсулотига Давлат Сифат белгисини олишга эришди.** Ҳозирда корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг 20 хили мана шундай белги билан тақдирланган.

◆ **Ангрендаги «Резинотехника» заводида пневматик иншоотнинг хаво ўтказгичи бўйича янги конструкция ишга туширилди.** Бу техника ишлаб чиқариш жараёнини анча яхшилайди ва 12 минг сўм иқтисодий фойда беради.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ДЎСТЛАР ҲУЗУРИДА

М. Ғафурий номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бошқирдистон Академик театрининг Ўзбекистондаги гастроллари 10 июнда «Ғалиябону» музикали драмасини намойиш қилиш билан ниҳоясига етди. Қардош автоном республикадан келган меҳмонлар икки ҳафта давомида Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Гулистон, Янгийўл саҳналарида ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

— Бошқирд театри билан танишув менга катта завқ бағишлади, деди Ўзбекистон ССР халқ артисти Розия Каримова. — Меҳмонлар саҳналаштирган 9 та спектакль ажойиб таассурот қолдирди. Актёрларнинг кўп қиррали маҳорати, яхши танлаб олинган репертуар бу йил ўз республикасининг 60 йиллигини нишонлайдиган бошқирд халқи миллий маданиятини ёрқин тасвирлайди.

(ЎзТАГ).

• *Гаванадаги фестиваль олдидан*

Муносиб армуғон

Шу кунларда бепоён мамлакатимизнинг комсомоллари ва ёшлари Гаванада бўладиган катта халқаро дўстлик фестивали учун қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Жуда кўп жойларда фестиваль шарафига шу йилнинг 24 июнь куни шанбалик ўтказишга аҳд қилинмоқда. Бу меҳнат кунидан тўпланадиган маблағ фестиваль фондига ўтказилади.

Тўқимачилик комбинатида ана шу шанбаликни ўтказиш бўйича махсус штаб ишлаб турибди. Дастлабки олинган маълумотларга қараганда ёшларнинг ватанпарварлик шанбалигида 12 мингдан зиёд кишининг қатнашуви кўзда тутилмоқда. Корхонанинг беш мингдан зиёд комсомол ва ёшлари ўша куни ўзларининг иш жойларини барвақт эгаллайдилар ва бир кунлик нормани шараф билан бажарадилар.

О. ЗАГРУТДИНОВА.

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективининг ўнинчи беш йилликка олган социалистик мажбуриятининг бандларидан бирида, капитал қурилишда 34.850 минг сўм ўзлаштирилади, деб ёзилган.

Ҳозир завод территориясида 9 қаватли инженерлик корпуси қад кўтаряпти. Объектни «Ташпромстрой» тресги 126-кўчма механизациялашган колоннасининг Альберт Штромаер бошлиқ комплекс бригадаси бунёд этмоқда.

СУРАТЛАРДА: пешқадам қурувчилардан бири — 126-кўчма механизациялашган колоннанинг ветерани Петр Никифорович Михайлов; ўнгда коммунистик меҳнат зарбдорлари Виктор Осипов, Эсат Жамилов ва Николай Самикин.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

Институтнинг янги ётоқхонаси

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармасининг Эргаш Исаев етакчилик қилаётган комплекслашган бригадаси аъзолари Тошкент қишлоқ хўжалик институти учун тўққиз қаватли 224 ўринли экспериментал ётоқхона биносини бунёд этмоқдалар.

Бригада коллективи 15 кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири уй-тўрт касбни пухта эгаллаб олган тажрибали бинокорлардир. Улар ишни тез ва сифатли бажариш билан бирга тежамкорликка ҳам алоҳида аҳамият беришяпти.

Объектда ишни тез ва соз бажаришда ғишт терувчилардан Ислом Ваҳобов, Вася Борисенко, бетончи Ольга Смирнова, дурадгор Уткур Азизовлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этиб, бригада шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Шу кунларда бригада аъзолари ётоқхона биносида жилокорларга ўз вақтида иш фронти яратиб бериш учун ўзаро мусобақани авж олдирган ҳолда иш юритмоқдалар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Собир Раҳимов район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари тартиб бузилишларининг олдини олиш ва райондаги халқ хўжалиги объектларининг ёнғинга қарши ҳолати ҳамда уларни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Милиция полковниги Б. С. Баратов ўз докладида шу ҳақда гапирди. Йиғилишда Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов сўзга чиқди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **УЛАН-БАТОР.** Монголия пойтахтининг саноат районларидан бири бўлган Толгойтдаги ғишт заводининг коллективи бу йил ҳар қачонгидан кўра зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда йил бошидан бери планга қўшимча равишда 2,4 миллион дона ғишт чиқарилди.

Толгойтдаги завод — МХР қурилиш саноатининг асосий корхонасидир. Бу завод Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан бир йил муқаддам реконструкция қилиниб, кенгайтирилган эди. Корхонада ўрнатилган энг янги машина-ускуналар, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш даражасининг юқорилиги ишчиларнинг меҳнат шароитларини анча яхшилабгина қолмай, шу билан бирга уларнинг сонини камайтириш имконини ҳам берди.

Заводнинг лойиҳада белгиланган қувватини бир йилда 68 миллион дона ғишт ишлаб чиқаришга етказиш — ҳозирги вақтда корхона коллективи олдида турган асосий вазифадир.

● **БОНН.** Бавария ўлкасининг кичик шаҳарларида жойлашган салкам 70 касалхона «норентабеллиги» сабабли яқин вақт ичида ёпиб қўйилади. Ана шу ўлка меҳнат ва социал таъминот министрлиги яна 130 та даволаш муассасасини «қора рўйхат»га киритди. Касалхоналардаги ўринлар сонини 12 мингтага камайтириш режалаштириб қўйилган.

«Шпигель» журнали Баварияда «касалхоналар теварагида чинакам уруш бўлаётганлиги» ҳақида ёзади. Соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган маблағнинг камайтирилиши шунга олиб келадики, ГФР ана шу ўлканинг кўпгина шаҳарларидаги одамлар истиқомат жойларида медицина ёрдамидан маҳрум бўлиб қоладилар.

● **ТЕҲРОН.** Эроннинг шимоли-ғарбидаги юз минг гектардан кўпроқ қишлоқ хўжалик экинлари экилган ерлар чигиртка ҳужуми натижасида бутунлай нобуд бўлиб кетиш хавфи остида қолган. Чигиртка ёпирилган жойлардаги далалар, полизлар ва боғлар шип-шийдон бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замон техникасининг ҳамма воситалари, шу жумладан самолётлар ана шу хавфли қишлоқ хўжалик зараркунандасига қарши курашга сафарбар этилган. Самолётлардан махсус химиявий дорилар сепилмоқда.

● **ТОКИО.** Япония парламенти рўй берадиган кучли зилзила оқибатларининг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Бу қонун шу йилнинг охирида кучга киради. Ана шу қонун бундай табиий офатга учрайдиган районларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш вазифасини ҳукумат зиммасига юклайди.

(ТАСС).

• Депутатлик группалари фаолиятидан

СОВЕТНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

Депутатлик группалари ва постларининг асосий вазифалари маҳаллий Советлар халқ депутатларининг сайлов округларидаги фаолиятини оширишдан, сайловчилар томонидан берилган наказлар ва таклифларни бажаришдан, депутатларнинг сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлашдан, меҳнаткашлар кенг оммасини халқ депутатлари Советининг фаолиятида қатнашишга жалб этишдан иборатдир. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлик группалари тўғрисидаги тахминий Низомига мувофиқ, депутатлик группалари маҳаллий Советлар томонидан сайлов округлари территориясида ташкил топади. Шунга кўра V чақириқ халқ депутатлари Собир Раҳимов район Советининг I сессиясидаёқ район территориясида 11 депутатлик группаси тузилди. Тажрибали депутатлар — райондаги саноат корхоналари ва ташкилотларнинг раҳбарлари депутатлик группаларига раис қилиб тасдиқланди.

Депутатлик группалари составига район Советига сайланган 200 депутатдан ташқари, шаҳар Советининг депутатлари ҳам киритилган. Район Советн ижроия комитети маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловдан кейин депутатлик группалари раисларининг семинар-йиғилишини ўтказди. Семинар-йиғилишда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлик группалари тўғрисидаги тахминий Низом синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ижроия комитет ташкилий ишлар бўлими депутатлик группалари раисларининг йиғилишини ўтказди. уларга депутатлик группалари ишларини планлаштиришда, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда яқиндан амалий ёрдам бериб келмоқда. Бунда депутатлик группаларининг асосий ҳуқуқ ва вазифаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

— Депутатлик группаларининг ишларига баҳо берар эканмиз, — дейди ташкилий ишлар бўлим мудири Ф. Қурбонов. — «Узкоопстроймонтаж» трести бошқарувчиси Рихси Назарович Одилов раислик қилаётган биринчи, район халқ суди раиси Ғайбулла Аббосов бошлиқ иккинчи, 7-болалар поликлиникаси врачи Раиса Евгеньевна Нежевенко раислик қилаётган 8-депутатлик группаларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ана шу группаларда мажлислар белгиланган муддатда ўтказилади. Бу йиғилишларда долзарб масалалар кўриб чиқилади, группаларда депутатларнинг навбатчилиги ва гражданларни қабул қилиш ташкил этилган, шунингдек депутатлар томонидан гражданлардан тушган шикоят ва аризалар кўриб чиқилади.

Масалан, Р. Е. Нежевенко раислик қилаётган 8-группа депутатлари район территориясида 10- «Автодормехбаза» ходимлари томонидан тозаликнинг сақланиши, Мевазор, Катта олмазор ва бошқа кўчаларнинг ободончилиги ҳамда ёритиш ускуналарининг аҳволини бир неча бор текшириб чиқишди, 9-поликлиниканинг аҳолига қандай медицина хизмати кўрсатаётганлиги масаласи ҳам худди шу группа томонидан текшириб чиқилди. Бу текширувлар натижаси ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида депутатлик группаларининг мажлисларида муҳокама этилди.

Депутатлик группалари составида сидқидилдан иш олиб бораётган, район Совети ижроия комитети томонидан берилаётган топшириқларни кўнгилдагидек адо этаётган депутатларнинг фаол ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлидир. Экскаватор ремонти заводи лаборанти Нина Петровна Заводская, бош кийимлар фабрикаси чевари Гулчеҳра Умарова, 1-босмахона муқоваловчиси Валентина Ивановна Калюжная, «Микочд» заводининг контролёри Назира Нажимовна Рашидова, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг токари Александр Георгиевич Квасников, дурадгорлик буюмлари заводининг дурадгори Тўрахон Омаров, тажриба пиллакашлик фабрикасининг пилла пиширувчиси Хайри Ориповна Ёқубова ва бошқа кўпгина депутатлар шулар жумласидандир. Бу депутатлар гражданлар томонидан берилган ариза ва сўровларга биноан ижроия комитет томонидан олиб борилаётган текширувларда актив иштирок этмоқдалар. савдо ташкилотларида товарларни қайта баҳолаш комиссияларида, ижроия комитет мажлислари ҳамда район Советининг сессияларида кўриш учун материаллар тайёрлашда қатнашмоқдалар.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан буён депутатлик группалари томонидан ижроия комитетининг 200 дан зиёд турли хил топшириқлари бажарилди. Ана шундай топшириқларни бажонидил бажаришда коммунист депутат, «Миконд» заводининг синовчи контролёри Назира Нажимовна Рашидова намуна бўлмоқда. У Тошкент шаҳар ижроия комитетининг нархнаво бўлими ходимлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Р Раҳимова билан биргаликда савдо корхоналари ишини, 5-нон заводида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини текширди. Бу депутат 97-сайлов округида ўз сайловчилари ҳузурида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туради.

Шу билан бирга кейинги пайтларда депутатлик группаларининг иш ҳолатларини текшириб чиқилганда баъзи депутатлик группаларнинг раислари ўз группаларида ишни ҳозирги талаб даражасида ташкил эта билмаганликлари маълум бўлди. Гражданларни қабул қилиш белгиланган муддатда ўтказилмайди, депутатларнинг навбатчилик графикларига риоя қилинмайди. Депутатлик группаларининг мажлислари камдан-кам ўтказиладиган ҳоллар ҳам мавжуд. Депутатлар ўз депутатлик группаларига тегишли корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишнинг яхши йўлга қўйилишида кам таъсир ўтказмоқдалар.

Шунга биноан депутатлик группаларининг раҳбарлари депутатларнинг куч-ғайратларини райондаги уй-жой фондидан фойдаланишни ва улар ремонтини яхшилашга, район территориясини ободонлаштиришга, уй-жой коммунал ҳамда маданий-маиший объектлардаги санитария ҳолатини яхшилашга, район аҳолиси медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини оширишга, безорилик, ичкиликбозлик, чайқовчиликка қарши кураш олиб боришга сафарбар этмоқлари керак. Шундагина депутатлик группалари ва постларининг аъзолари район Совети ижроия комитетининг комплекс тадбирлар планининг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган бўладилар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

СУРАТДА: 2-трамвай делосининг коммунистик меҳнат зарбдорлари Маҳмуд Қаюмов ва Марвар Шафиқовларни кўриб турибсиз. Бу ҳар икала ишчи беш йиллик шахсий топшириқларини 3.5 йилда бажаришга аҳд қилган.

М. Нуриддинов фотоси.

Келгуси йил ҳисобига

Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг Валентина Ивахненко бошчилик қилаётган силлиқловчилар бригадаси аъзолари корхонада биринчилардан бўлишиб, беш йилликнинг уч йили планини СССР янги Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришга аҳд қилган эди. Бу муваффақиятга фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Шунингдек маҳсулот сифатига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шунга кўра фабрикада меҳнатни илмий ташкил этиш тадбири ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси қўшимча мутахассислик касбини эгаллади. Натижада мажбурият муддатидан илгари адо этилди. Ҳозир бу коллектив 1979 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Бригада аъзолари ўз имкониятларини қайта ҳисобга олиб, беш йилликнинг учинчи йили етти ойлигида яна бир йиллик планни бажаришга аҳд қилишди.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Ҳозир корхонамиздан ҳар куни 137 та машина йўловчилар хизматига чиқарилиб, унда 25 мингдан ортиқ йўловчи манзилларига етказилмоқда. Биз пойтахт областидаги бир қанча автобус паркларидан иборат олиб шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасидаги корхоналар ичида биринчилардан бўлиб янги — икки сменада ишлаш методига ўтдик.

Олдинлари ҳар бир шоферимиз 14— 15 соат ишлаб эртасига бир кун дам оларди. Улар 10— 12 соат, тинимсиз ишлаш оқибатида жуда чарчаб, айниқса кечки томон иш қобилиятини йўқотишарди. Чарчаш натижасида баъзи бир шоферлар машиналаридаги арзимаган ишларни баҳона қилиб гаражга кириб келишарди. Бунинг оқибатида корхона ҳар ойда ўртача 1.500 ишчи-соатини йўқотарди. Натижада иш соати камайиши билан бирга айниқса йўловчилар учун жуда зарур бўлган кечки тиғиз вақтда машиналар секин юриб графикдан чиқиб кетарди. Бу ўз навбатида барча 18 та маршрутдаги кичик автобусларнинг графикка тўла амал қилиб аҳолига хизмат кўрсатишини қийинлаштирарди. Кунлик ва ойлик планларга келсак зўрға бажарилларди.

Ҳар бир янгилик олдинига жуда қийинга ўхшаб кўринади. Шунинг учун ҳам унга кўникиш анча мушкул бўлади. Тўғрисини айтиш керак — бизнинг корхонамиз шоферлари ҳам бир кун ишлаб, бир сутка дам олишга жуда ўрганиб қолишган эди. Энди уларнинг ҳар куни етти соат ишлаб, ҳафтада бир маротаба дам олишга ўргатиш олдинига анча қийинчилик туғдирди. Лекин шунга қарамасдан биз корхонадаги барча шоферлар билан суҳбат ўтказиб келгусида бу икки сменада ишлаш улар учун жуда кўп қулайликлар яратишлигини фактлар асосида тушунтирдик.

Пойтахт областидаги автокорхоналарнинг иши билан яқиндан танишиб биз олдинига энг катта маршрутларимиздан бири бўлмиш «Тошкент» меҳмонхонаси — Студентлар шаҳарчаси оралиғида қатнайдиган 9-маршрутни икки сменага ўтказдик. Бу маршрутда 46 шофер меҳнат қилади. Корхонамиз бўйича ўтказиладиган социалистик мусобақада ана шу маршрутдаги йигитлар ҳамиша биринчи ўринни эгаллашади. Бригадирлар А. Абдусаломов, А. Аҳроровлар ишларига ўта масъулият билан қарашлари туфайли бу бригада «Намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» номига сазовор бўлган. Ана шу бригаданинг барча аъзоси эса москваликлар ташаббусига қўшилишиб йиллик топшириқни СССР янги Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилиб меҳнат қилишмоқда. Шуни айтиш кераккки ҳозир бундай бригадалар сони корхонамизда кўпайиб бормоқда.

Биздаги энг илғор бригадалардан ҳисобланган ана шу 9-маршрутда тажрибани ўтказишимиз ҳам бежиз эмасди. Олдинига маршрутда янги график жорий этилиб, ҳар бир машинага иккитадан шофер бириктирилди. Вақтни тежаш мақсадида иккинчи сменага ишга келувчи шофер автостанция ёки диспетчерлик пунктида машинани қабул қилиб олиши кераклигини тушунтирдик. Бунга узоғи билан 20—30 минут вақт кетарди. Агарда машина корхонага келтирилиб смена айрибошлаш жорий этиладиган бўлса икки соатдан ортиқ вақт кетиши ҳеч гап эмас. Икки сменага ўтиб ишлаш корхонадаги машиналарга эҳтиёт қисмларини берадиган омборхона, ремонт устахоналари ва шунга ўхшаш участкаларнинг ишини қайта кўриб чиқишни тақозо этиб шофер лар учун қулай бўладиган иш вақтига ишлашга ўтказилди.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ҳозир маршрутларда ишлаётган барча шоферлар зиммаларига олган кунлик ва ойлик планларини ортиғи билан адо этмоқдалар. Машиналарнинг тўхтовсиз ҳаракати олдинлари 84 процентни ташкил этган бўлса, эндиликда 90 процентга кўтарилди.

Ҳозир корхонамиздаги барча шоферларнинг икки сменага ўтиб ишлашлари улар ишининг янада унумли бўлишини таъминлаш билан бирга йўл транспорти ҳаракати ҳодисаларининг камайишига олиб келди.

Корхонамизда СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача йиллик планни бажариш ташаббусига қўшилган бригадалар сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга ҳозир учта маршрутдаги бригада «Намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» номини олиш учун зарбдорларча ишлашмоқда Булар 10-маршрутдаги И. Гошин, А. Чернецов бошчилик қилаётган бригадалар, 13-маршрутдаги А. Абдусаломов, Қ. Жиззақов бошлиқ бригадалар ва 3-маршрутдаги Ф. Трубачов бошчилик қилаётган бригадалардир.

Корхонамиз меҳнаткашлари беш ойлик планни муваффақият билан бажаришди. Зиммаларига олган топшириқ ортиғи билан адо этилиб пландан ташқари 94,7 мингдан ортиқ йўловчи манзилларига элтилди. Биз бундай юқори кўрсаткичларга икки сменага ўтиб ишлаш туфайли эришаётирмиз десак хато қилмаймиз. Янги иш методи шоферларимиз кайфиятини кўтариш билан бирга уларни йўловчиларга хизмат кўрсатишда ҳамиша бардам ва яхши кайфиятда бўлишларини таъминламоқда.

Ф. ПАРПИХУЖАЕВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 2-маршрутли такси автокорхонасининг директори.

Графикдан ўзиб

☆ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

Тошкентнинг янги телеминораси қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир бу участкада улкан қурилиш пойдевори учун котлован қазилмоқда. Минора котловани бошқа биноларникидан фарқ қилади, албатта. Чунки у ер сатҳидан 300 метр баланддир. Бундай катта минорани ушлаб туриш учун албатта мустаҳкам пойдевор қазиш керак. Бундай маъсулиятли ишни «Главташкентстрой»нинг 1-механизация бошқармасининг бульдозерчи ва экскаваторчилари бажаришмоқда. Қазиб олинган тупроқларни 141-автобаза шофёрлари пешма-пеш ташиб кетишяпти. Участкада иш икки сменада ташкил қилинган. Қудратли техника ва қурувчиларнинг жонбозлиги туфайли барча қийинчиликлар бартараф этилиб, кўзланган мақсад сари олға одим ташланмоқда.

СУРАТДА: котлован қазиш пайти.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

УЛКАН СУВ ОМБОРИ

Сурхондарёнинг жанубида қурилаётган Оқтепа сув омборининг соҳилида бир вақтда иккита кучли портлаш гулдуроси эшитилди. Икки жойда портловчи модда ёрдами билан 50 минг куб метрга яқин тупроқ қазиб чиқарилди. Шу билан дарё суви кетадиган канал қазила бошланди. Бу каналнн асосан «Союзвзрывпром» трестига қарашли ихтисослаштирилган бошқарманинг ходимлари қазийдилар. Бундан сўнг 350 метр узунликда тоннель қазилади, уни икки томондан қазишга қарор қилинди.

Портлатиш ёрдами билан қуриш ғоятда тез битади ва сув омборининг биринчи навбатини графикда кўзда тутилганидек, шу йилиёқ топширишга имкон беради.

Жаҳон ойнаси

БОЛГАР ТИЛИДА

СОФИЯ. Болгариянинг «Партиздат» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» эсдаликлар китобини болгар тилида кўп нусхада босиб чиқарди.

Янги саноат корхонаси

ГАВАНА. Кубада халқ ҳокимияти йиллари мобайнида ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди. Коммунистик партия ва мамлакат ҳукумати саноат корхоналари қуришга катта эътибор бермоқда. Ҳамма жойда янги саноат объектлари жадал суръатлар билан қад кўтармоқда. Республиканинг қайси бир бурчагига борманг унда қурилиш кранларини, завод корпусларининг қад кўтараётган металл каркасларини учратиш мумкин.

Кубанинг ўтмишда иқтисодий жиҳатдан қолоқ районн Сьенфуэгос вилояти мамлакатда саноат гуркираб ривожланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин мисол бўла олади. Ҳозир бу ерда революциядан кейиноқ қурилган иссиқлик электрстанциясини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. бир неча тегирмончилик корхоналари, ёмғирлатиш установкалари учун қувурлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи завод, уйсозлик комбинати барпо этилмоқда.

Жеймснинг дунё саёҳати

ЛОНДОН. Наоми Жеймс хоним ўз яхтасида Англиянинг Дартсмут портига келиб лангар ташлаб, елканли қайиқда дунё айланаси бўйлаб ёлғиз сузишни поёнига етказди. У 30.000 денгиз милясига тенг масофани 272 кунда босиб, машҳур инглиз саёҳатчиси Фрэнсис Чичестер эришган ютуқни икки кунга яхшилади. Янги зеландиялик фермернинг қизи, ҳозир 29 ёшга кирган уй соҳибаси Наоми ўтган йилнинг 9 сентябрида Англиянинг жанубий соҳилидан Фиберглас «Экспресс крузейдер» (узунлиги 16 метр, ҳажми 10 тонна) яхтасида дунё айланаси бўйлаб сафарини бошлаганди. Наоми елкан тутиб шарқдан ғарбга қараб борди.

Наоми елкан спорти билан стартдан атиги икки йил олдин шуғуллана бошлаганди.

Хотин-қизлардан ер курраси бўйлаб яхтада биринчи бўлиб ёлғиз сузган киши Кристина Хойновска — Лискевич (Польша) бўлганлигини ҳам эслатиб ўтамиз.

Нефть ва қашшоқлик

ҚОҲИРА. Саудия Арабистони нефть экспортидан катта-катта фойда олаётганлигига қарамай, бир қанча социал-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан ниҳоятда қолоқ мамлакат бўлиб қолмоқдаки. у кўпгина ички проблемаларни бартараф этишга қодир эмас.

Маҳаллий матбуотнинг маълумотларига кўра, Саудия Арабистони аҳоли ўртасида ўлим даражаси жиҳатидан араблар дунёсида ҳамон «пешқадамлик қилмоқда». Саудия подшоси фуқаросининг ўртача умри 40 йилга боради холос Мамлакатдаги 7 миллионли аҳолининг қарийб тўртдан бири кўчманчи ҳаёт кечирадики. унда тараққиёт жуда оз. саудиялик ҳар саккиз кишининг 7 таси саводсиз.

Саудия Арабистонида ҳукмрон шариат қонунлари шароитида хотин-қизлар жамоат ҳаётида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Аҳоли умумий таълим даражасининг пастлиги малакали кадрлар тайёрлаш имкониятларини ниҳоятда чеклайди. Бунинг натижасида Саудия маъмурлари чет эллардан кенг кўламда ишчи кучи келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Баъзи маълумотларга кўра. бугунги кунда муҳожир ишчилар сони туб аҳоли сонига қарийб бараварлашиб қолган.

Кўпдан-кўп проблемаларни ҳал этишга қодир бўлмаган Саудия режими хавфсизлик хизматини мустаҳкамлашга зўр бермоқда. У бу ишда АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг мададига суянмоқдаки. бу давлатлар араб реакцияси лагеридаги асосий иттифоқчисининг тутган позициялари бўшашишга ҳар қандай воситалар билан йўл қўймаслик пайдадирлар.

„Тошкент оқшоми" ва „Вечерний Ташкент"

НАЗОРАТ ПОСТИ

ЎН ЙИЛГА ТЕНГ СУДРАЛИШ

Тошкент электр-рўзғор буюмлари заводи қурилишида

Жуда кўп ҳолларда шундай бўлади. Магазинга кириб қандил сўрайсиз. Сотувчи сизга «ҳозирча йўқ, кейинроқ бир келинг» дея жавоб беради. Ҳа, республикамиз пойтахтидаги магазинларда қандил, стол лампаси, деворга осиладиган ёритгич сингари буюмлар жуда кам топилади.

— Биз истеъмолчиларнинг талабларини уч процент қондиряпмиз, холос, — дейди Ўзбекистонда ягона бўлган электр рўзғор буюмлари заводининг директори П. Жўраев.

Мен бу корхонада бир неча йил муқаддам бўлган эдим. Яқинда бу ерга яна бордим. Ишонтириб айтишим мумкинки, аҳвол ўзгармабди. Агар жиддий муҳокама қилинадиган бўлса, электр рўзғор буюмлари заводини ҳатто завод деб аташ қийин. Весна кўчасидаги цех ва Лазо кўчасидаги цехлар қўшилиб, корхонани ташкил қилади. Ҳамон цехларда тартиб ўрнатилмаган, ишчилар таъбири билан айтганда «станокнинг устида станок турибди». Бу цехларда қизил бурчаклар ҳам, ҳатто овқатланадиган жойлар ҳам йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан электр рўзғор буюмлари заводининг коллективи ойлик топшириқни ошириб бажариш билан бирга йилига 2.5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўляпти. Бунинг устига фойда ҳам олинмоқда.

Корхона коллективи қандай шароитда меҳнат қилаётганлигини республика маҳаллий саноат министрлиги яхши билади. Бу аҳволдан у ўн йил муқаддам ҳам хабардор эди. Шунинг учун ҳам янги ишлаб чиқариш корпусини бунёд этиш масаласи жиддий бўлиб турибди.

1968 йилда «Узгипротяжпром» лойиҳачилари корхонанинг янги корпуси лойиҳасини тайёрлашга киришдилар. Завод учун 2-пойафзал фабрикаси олдидаги майдон танланди.

Лойиҳани тайёрлаш муддатлари кечиктирилди. Орадан ҳафта, ой, йиллар ўтди. Ниҳоят, лойиҳа тайёр бўлди ва бош пудратчи — 6-қурилиш трестининг (бошқарувчиси А. Тихончук) 33-қурилиш бошқармаси қурилишни бошлаб юборди.

Завод ўн йилдан буён қуриляпти. Қурилиш майдонларида бунёдкорлик ишлари бир йил давом этади, кейин эса деярли бир йил тўхтатиб қўйилади. Бош пудратчи турли сабабларга кўра объектдаги қурилиш бригадаларини бошқа объектларга ўтказиб юборади. Бундай ҳодиса жуда кўп марта такрорланди.

Буюртмачи завод қурилишида сокинлик ҳукмронлик қилаётганини кўриб, ишни жонлантиришга ҳаракат қилиб кўрди. Ёзишмалар, қўнғироқлар бошланди. Юқори ташкилотларга бу ҳақда хабарлар берилди. Қисқа қилиб айтганда, қурилиш ўрнида сансалорлик қаватлари бунёд этилди. Буюртмачи қурилиш ишларини давом эттиришни талаб қилса, бош пудратчи ҳар хил сабабларни рўкач қилиб, ишни бошлашга шароит йўқ дейди.

Электр рўзғор буюмлари 1974 йилда фойдаланишга топширилиши лозим эди. Ваҳоланки, ҳозир ҳам бу ерда қурилишнинг қачон тугаши ҳақида бирон бир нарса дейиш қийин.

Бунёд этилаётган заводда бугун нима бўляпти? Агар корхона раҳбарларига ишониладиган бўлсак, қурувчилар, бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказиш арафасида туришибди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, бунёдкорлар бу ерда яна 80— 85 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштиришлари лозим.

— Қурилишнинг катта қисми уддалаб бўлинди, корпус тайёр. — дейди корхона директори П. Жўраев. — Жуда оз иш қолди.

«Оз» сўзи бу ерда канализация водопровод тармоқларини бунёд этиш, электр таъминоти, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бажариш деган тушунчани билдиради. Дарҳақиқат, агар иш юксак суръат билан олиб борилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қийин вазифа эмас. Аммо бу ишни бажаришга ҳали ҳеч ким киришгани йўқ. Нима учун?

Шу ерга келганда яна турли сабаблар пайдо бўла бошлади. Канализация 2-пойафзал фабрикасига қадар ўрнатиб бўлинган. Электр рўзғор буюмлари заводининг ишлаб чиқариш корпусига қадар бўлган масофа 100 метрни ташкил қилади. Канализацияни ишлаб чиқариш корпусига етказиш учун қурувчилар канал қазишлари лозим. Бунинг учун уларга трубалар керак бўлади. Энг асосийси, бу ишларни амалга ошириш лойиҳада кўрсатилмаган. Канализация жиҳозларисиз заводни буюртмачи қабул қилмаслиги табиий ҳол. Шундай қилиб, яна мушкул аҳвол вужудга келди. Яна иш бутунлай тўхтаб қолди. Сув қувурларини ётқизиш ва монтаж қилиш ишлари ҳам тўхтатиб қўйилди. Чунки диаметри 600 миллиметр бўлган махсус вентеллар етишмаяпти. Улар қурилишга қачон етказиб берилишини ҳеч ким билмайди. Электрчилар ҳам махсус жиҳозлар етишмаётганлиги учун монтаж ишларини бошлаша олишмаяпти. Пардозчилар ишни тўхтатиб қўйишди. Улар сантехниклар ўз ишларини ҳали ниҳоясига етказмаганликларини рўкач қилишяпти.

Қурилиш давомида 1971 — 1972 йилларда объектга ускуналар келтира бошланган эди. Бу ускуналарнинг сақланишини бунёд этилаётган корхона дирекцияси (директори З. Хатамов) ташкил қилиши лозим эди. Аммо дирекция ходимлари бу ишга ўта масъулиятсизлик билан қарашди. Ускуналар очиқ ҳавода сақланди. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилик қисми, жумладан дастгоҳлар занглаб кетди. Қандилларни йиғувчи конвейердан фақат алоҳида қисмларгина қолди холос.

Корхона коллективи янги корпусда анчагина қийинчиликларга дуч келиши турган гап. Гапнинг моҳияти шундаки, қурувчилар ишлаб чиқариш корпусини 1965 йил номенклатураси асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжаллаб, бунёд этдилар. Завод бугунги кунда бутунлай бошқача буюмларни тайёрламоқда. Фақат қандилларнинг ўзидан 20 хили тайёрланяпти. Стол лампалари ва деворга осиладиган ёритгичларнинг хиллари ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу маҳсулотлар анча замонавий, янги ускуна ва жиҳозлар ёрдамида тайёрланяпти. Буларни эса лойиҳачилар ҳисобга олишмаган эди. Шундай экан, уларни янги корпусга қандай қилиб ўрнатиш мумкин?

— Анча-мунча нарсаларни синдириш ва бошқатдан қуришга тўғри келяпти. — дейди завод директори. — Қийин аҳволдан қутулишнинг бошқа чораси йўқ.

Қурилишнинг судралиши заводга жуда кўп ташвишлар келтирди ва бундан буён ҳам ташвиш келтиради. Корхона раҳбарлари қурувчиларга ишониб, анча олдин ҳар хил касблар бўйича мутахассислар тайёрлашга киришган эдилар. Қурилиш ишлари қачон тугаши ҳали номаълум бўлганлиги учун 400 яхши малакага эга бўлган ишчиларнинг корхонадан кетишига рухсат беришга тўғри келди. Шу билан бир қаторда уларни тарбиялашга кетган маблағлар ҳам беҳуда сарфланди. Энг муҳими шундаки, бундай ишчиларни яна тарбиялаш жуда қийин вазифа. Янги корхонада 700 киши меҳнат қилмоғи лозим.

Ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, корхона дирекцияси янги ишлаб чиқариш корпусини қабул қилиб олиш билан бир вақтнинг ўзида уни реконструкция қилиш ишларини бошламоғи лозим. 1978 йилда электр рўзғор буюмлари заводи 2.5 миллион сўмлик буюм тайёрлаши керак. 1979 йилда эса ишлаб чиқариш ҳажмини 1,1 миллион сўмликка ошириш назарда тутилган. Корхона раҳбарлари бундай қувватга қандай қилиб эришиш мумкинлиги ҳақида бош қотиришяпти. Реконструкция ишлари давом этаётган бир шароитда бу қувватга эришиш ўзи мумкинми?

— Мен қурилиш ишларининг сифати пастлиги ҳақида, графиклар бузилаётганлиги ҳақида гапириб ўтирмайман, — дейди электр рўзғор буюмлари заводининг директори. — Фақат бир нарсани, қурилиш ишларининг тезроқ ниҳоясига етишини ва бригадаларининг объектдан тезроқ кетишларини истайман. Қолган камчиликларни ўзимиз бартараф қилиб оламиз.

Директорнинг бу гапларида маъно бор. Ўн йилга тенг бўлган судралиш ҳамманинг жонига тегди. Ҳозир нима ишлар қилиняпти? 6-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. Тихончук ҳар ҳафтада уч марта объектда планёрка ўтказиб турибди. Аммо бу планёркада қабул қилинган қарорлар ҳамон бажарилмаяпти.

Электр рўзғор буюмлари заводи қурилишида юз берган аҳвол бир нарсани, бундай суръатда ишлаш мумкин эмаслиги, шартнома мажбуриятларининг бажарилишига масъулиятсизлик билан қараш, жиҳозларни сақлашни ўз ҳолига ташлаб қўйиш катта чиқимларга сабаб бўлишини ўргатмоқда.

А. БРОНШТЕЙН.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Э. ҒИЁСОВ: Ҳурматли редакция! Айтингчи, мамлакатимиз экранларида бир йилда қанча янги кинофильм намойиш этилади. Мамлакатимиздаги энг йирик киностудия қайси киностудия ҳисобланади?

Жавоб: Ҳар йили кинопрокатга 400 га яқин кинолентанлар келади. Москвадаги бадиий фильмлар киностудиялари 60 га яқин тўла метражли фильмларни тайёрлашади. Ана шу бадиий фильмлар киностудиялари орасида энг йириги М. Горький номидаги киностудия ҳисобланади.

* * *

Ғ. АЗИМОВА: Кутилмаганда юқумли касалликка дучор бўлиб қолдим. Ҳозир касалхонадаман. Врачларнинг айтишларига қараганда ўн ойдан зиёд даволанишим керак. Айтингчи, менга маъмурият қандай муҳлатга отпуска бериши мумкин?

Жавоб: Касаллик ва лат ейиш отпускаси меҳнат қобилиятини тиклагунга қадар ёки врачлик - меҳнат комиссияси инвалидлигини белгилагунга қадар ўтган бутун вақт мобайнида бериб турилади. Уйда лат ейиш сабабли меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда меҳнат қобилиятини йўқотган дастлабки беш кунига даволаш муассасаси справка беради, меҳнатга лаёқатсизлигининг олтинчи кунидан бошлаб касаллик варақаси беради.

Касаллиги узоққа чўзилган кишилар меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган кундан кейин тўрт ойдан кечиктирмай ёки кейинги 12 ой мобайнида касаллик қайталаган тақдирда меҳнат қобилиятини жами бўлиб беш ой йўқотганида беш ойдан кечиктирмай врачлик-меҳнат эксперт комиссияси кўригидан ўтказишга юборилади. Сил ва шунга ўхшаш юқумли ва хавфли касалликларга чалиниш туфайли меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган ишчи ва хизматчилар, меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган кундан бошлаб ўн ойдан кечиктирмай врачлик меҳнат-эксперт комиссиясининг кўригидан ўтказишга юборилади.

Башарти врачлик меҳнат-эксперт комиссиясининг хулосасига мувофиқ беморни инвалид деб ҳисоблашга асос бўлмаса ва у хали ҳам меҳнатга лаёқатсиз бўлса, бундай холда касаллик варақаси махсус инструкцияда белгиланган тартибга кўра узайтириб берилиши лозим.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекция маъмурий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарганликлари учун шофёрлардан Наиль Забиров («Узгипроводхоз»), Рихсивой Туёқбоев («Ташпромторг»), Геннадий Борисовский («Узптицепром») 1,5—2 йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, уларнинг ҳар бирига 10 сўмдан 30 сўмгача жарима солинди.

Хусусий автомобиль ва мотоцикл эгаларидан Пётр Кореванов, Баҳодир Болтабоев, Бахтиёр Нурмуҳамедов, Юрий Прокопенко, Иван Понкрашен, Мансур Каримовларга нисбатан ҳам шундай жазо қўлланди.

Тезликни белгиланганидан ошириб юборганликлари учун ҳайдовчилардан Анатолий Беляков (141-автобаза), Муҳитдин Мирзаев (Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг автобазаси), Александр Емашев (5-таксопарк) йўл ҳаракати қоидасидан имтиҳон топширишга юборилди.

Йўл транспорт ҳодисасига сабаб бўлган «Главташкентстр о й»нинг 5-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Александр Шипунов бир йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

КУЙЛАНМАГАН ҚЎШИҚЛАР

Куртакларда куйланмаган яшил қўшиқлар
Кун нуридан тўйиб-тўйиб симирар оҳанг.
Тушларидан томчи-томчи кўклам тўкилар
Табиат ҳам нафас ютиб қолар ҳангу-манг.
Япроқларнинг камалак ранг наволарини
Сийнасига сингдирай деб уйғонар кундуз.
Далаларнинг тансиқ рангдор саболарини
Яшил қўшиқ силаб-сийпаб эркалар тинсиз.
Юракларга кириб кейин тошқин шуълaдай
Чаноқларни ўпмоқ учун аста эгилган
Ол қуёшга ўз умридан қўшиқ куйлагай
Ҳайрат билан боқиб кўзлар қорачиғидан.

„ТОНГ—УКАМНИНГ..."

Тонг—укамнинг расм дафтари
Бўёқларга бўялар орзу.
Қуюқ ранглар — шафақ гардлари,
Тун осмони— эртакдай уйқу.
Тонг— мен учун севги байтлари
Хаёлларга бўялар орзу.
Қуюқ ранглар— асрим дардлари
Тун осмони — гуллаган туйғу.
Тонг—отамнинг умр дафтари
Сатрларда турланар орзу.
Қуюқ ранглар—шўр армонлари
Тун осмони — умрига кўзгу...

Одил ҲОТАМОВ.

„Тунлардан сен..."

Тунлардан сен паноҳ излама,
жоним,
Саҳарлаб чўққига чиқиб кетайлик!
Юр, фалак сайрига
кетмасдан олдин —
Қуёш масканига бориб етайлик.
Юргил, бошимиздан Қуёш зар
сочар,
Ахир у ҳақни ҳеч ноҳақ демайди...
Севги ҳам ноҳақлик саналса агар,
Ул бизни юксакда
ёндирсин, майли!

Бахтиёр БОБОНОВ.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМЛАРИ

ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИНИ ЎҚИБ

«Ойиси билан дадаси уришяпти. Қаттиқ қичқиришади. Ёмон гаплар айишади.

Дадаси ҳар гал ишдан келганидан аввалига тўполон қилмай, уни тиззасида эркалаб ўтиради-ю, бир оздан сўнг ойисига қичқира бошлайди. Қичқирмаса-ку бўлар эди. Ана энди ойиси ҳам қичқириб беради. Ғайрат буни жуда яхши билади. Чунки, доим шундоқ бўлади-да».

Ёш қаламкаш Сулаймон Облақуловнинг «Ойиси, дадаси ва Ғайрат» ҳикояси шу тарзда бошланади. Ҳикояда қаламкаш, бола нигоҳида катталар ҳаётига кўз югуртади. Оилада ҳар куни жанжал бўлади. Мана, бугун ҳам... дадаси «ўрнидан туриб йиқилай-йиқилай деб стол ёнига келди, чойнакни кўтариб кўрди. Бўш экан. Шундан кейин столга зарб билан мушт туширди.

— Уйда совуқ чой йўқ!

... Бошланди. Даставвал чойнак синди. Ликопча эшикка урилиб, майда-майда бўлди. Ғайратнинг «Алифбе» китобини олиб, ойисига ирғитганди, тегмади. Беҳудага деразани чил-чил қилди. Шундан сўнг қаттиқ-қаттиқ қичқира бошладилар.

Уларнинг гапи сўзларига Ғайрат тушунмайди».

Ҳикояда шу руҳ, шу оҳанг бошдан оёқ сақланган. Чиндан ҳам бу фоже ҳолатни Ғайрат англаёлмайди. Лекин шу машмашаларни у ҳечам истамайди. Яхшиям, унинг аммаси бор. Агар шу киши келиб қолса, ота-онаси анча тинчланиб қолади. «Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши» бўлади-қўяди. Бугун эса, аксига олиб у киши келавермаяпти ҳам...

Бола безиллайди. «Дадаси билан ойиси ҳамон уришишяпти. Қизиқ, улар бақиришаётиб бирдан жим бўлиб қолдилар. Ғайрат қувониб кетади. Тамом. Уришишмайди. Лекин, бир оздан сўнг дадаси секин гапира бошлайди. Гапираверади, гапираверади. Худди уришаётгандек. Бироқ, ойиси жимгина эшитиб турган бўлса-да, жанжал тугагани йўқ. Ҳозир бирдан бақириб беради-ю, яна авжига чиқади. Ўшанда ойиси жим ўтираверса-ку, бўларди.

Бола, аммам келмаяптимикин, деб тез-тез ҳовлига қарайди».

Лекин аммасидан дарак йўқ. Ана шундан сўнг у аммасини ахтариб йўлга тушади. Қаёқда! Тополмайди!

Бу ўринда унинг аммаси образи нажотдай, меҳр-оқибатдай, инсоф-муҳаббатдай рамзийлик касб этади.

Аммасини тополмаган бола юраги бетламай эшик ёнига келди, келди-ю, қўрқа-писа секин очиб ичкарига кирди. Дадаси уст-бошини ечмасдан шипга қараб ётганича хуррак отар, ойиси эса йиғидан қизарган кўзларини пешбандига артиб жимгина, синган идиш парчаларини полдан йиғиб оларди. Ғайратга кўзи тушади-ю, у заҳрини соча кетди:

— Қаёққа гумдон бўлгандинг, куриб кетгур! — Шуни дегач, Ғайратнинг йиғлаётганини пайқади шекилли, уни бағрига олди.

—Ким сени хафа қилди, айланай?

Бола дағ-дағ титрарди».

Ёш қаламкаш кескин, драматизмга бой бир вазиятни танлаб олган. Шароитни, ҳатто ўқувчига таъсир қиладиган даражада тасвирлаган ҳам. Лекин, бир-икки жойда «нега энди?» деган савол туғилади. Аввало, нега энди ҳар куни эр-хотин жанжаллашади? Хўш?! Ахир бу жанжалларга бирон-бир ижтимоий сабаб бўлиши керак-ку! Дейлик, дадаси билан ойисига азалдан маълум бўлган бирон ўзаро сирли гап бордир?! Ёки дадаси топаётган пул... рўзғорни тебратишга етмаётгандир? Шу сабаб, у ичкиликка ружу қилгандир? Ишқилиб, нима бўлмасин, бирон бир сабаб бўлиши керак-ку! Худди ўша — асарда мавҳум қолган нарса ҳикоянинг «таянч нуқтаси» эканлиги ҳам сезилиб турибди. Устоз адиблардан бири: «Насрда «Нега?», «Нима учун?» деган саволга, умуман, ҳеч бир сўроққа ўрин қолмаслиги керак», деган эди. Табиийки, С. Облақуловнинг ҳикоясини ўқиётиб, «Нега булар жанжаллашади? Нега дадаси ичиб келади?» деган ўйга борасиз. Кейин, ҳикоянинг ниҳоясида воқеа анчагина хира тортиб, сустлашиб колади. Тўғри, муаллиф айтмоқчи, Ғайратнинг юраги безиллаб қолган. Ота-онасининг шу қилмишларидан юракчаси зада бўлиб йиғлайди. Аяси эса унинг нега, нима учун йиғлаётганини фаҳмлай олмасдан, «Сени ким хафа қилди» дейди.

Ота-онанинг туйғулари шу қадар қашшоқлашиб қолганини муаллиф яхши кўрсатган. Гарчи, илгариги воқеаларда бир қадар мантиқий чигалликларга йўл қўйилган бўлса-да, умуман, ҳикоя кишини ҳаяжонга солади. Сулаймон Облақуловнинг муваффақияти ҳам шунда.

Редакцияга келаётган ҳамма ҳикоялар ҳам ўқувчида шу хил таассурот қолдирмайди, албатта. Суннатилло Баракаевнинг «Қўнғироқ чалинганда...» ҳикояси анчагина ширали тилда ёзилган. Лекин муаллиф қаламга олган мавзу анчайин жўн. Шунингдек, Шавкат Аҳмедовнинг «Мулозимат меваси» ҳикояси ҳам ғалати таассурот қолдиради. Ҳикояда ёши элликка бориб қолган киши автобусда кетаётиб, бир ёш қизга «ўтиринг» дея мурожаат қилади. Чиндан ҳам бўш жой бўлади. Қиз эса бобиллаб беради:

— «Ўзим кўриб турибман — бўш жой борлигини! Бўш жойга ўтириш менинг ишим. Кўзим бор ўзимнинг ҳам. Бу гапингизни сиз бошқа одамга гапиринг!».

Орадан бир неча кун ўтади. Ҳалиги киши катта ўғлини уйлантирмоқчи бўлади. Турмуш ўртоғи бир қизни кўз остига олиб юрганини айтади. Қиз аптекада ишлар экан. Кўргани боришса, ҳалиги қиз...

Қаҳрамон айтади: «Автобусда кўрсатган мулозиматим учун эшитган гапларим эсимга тушди-ю, нафасим қисилиб кўчага отилдим!».

Ҳикоя шу билан тугайди. Ўқувчи, табиийки, «Хўш, нима бўлипти?!» дейди. Мана шунга асосланиб, бир гап айтса бўлади: Ҳикоя «бир нима бўлиши керак!». Акс ҳолда у ҳикоя бўлмайди. Бадиий асар, хусусан ҳикоя инсон ҳаётидаги (ва ҳаётдаги) энг драматизмга бой, кескин, бурилиш чоғларини ифодалаши керак. Ўқувчи ана шу ҳал қилувчи лаҳзалардаги ағдар-тўнтарни «кўриши», оқибатда бирон хулоса чиқариши керак. Асар, ўқувчи қалбига нозик, мусаффо туйғулар бағишлаши ёки ҳаёт ҳақида ўйлашга даъват этиши керак. Адабиётнинг вазифаси ҳам мана шу! Шу нуқтаи назардан қаралганда, Баҳодир Юнусхўжаевнинг «Ҳамманинг қалби пок бўлсайди», А. Мамажоновнинг «Синов», Ж. Давуровнинг «Қатралар»и, Абдумурот Шербоевнинг «Қалбдаги туғён», Абдуқаҳҳор Имомназаровнинг «Қабулхонада» ҳикоялари жўнгина, анчайин бир машқлардир.

Биз, бу қаламкашлар ҳам «адабиётнинг атомдан кучли» эканлигини ҳис қилишларини ва бу уларнинг машқларида ҳам кўзга ташланишини истар эдик. Ижоднинг бирламчи масъулияти ана шундан иборатдир.

Ғ. ҲОТАМОВ.

ҲАЛИМ БОБО

НОВЕЛЛА

Хона эшиги қия очилиб, ҳамширанинг мулойим овози эшитилди:

— Ҳалим бува, сизни сўрашяпти...

Ҳалим буванинг ғалати одати бор: кўзларини юмади-да, ўйга толади. Аҳён-аҳёнда лабларини қимтиб қўяди. Бундай пайтда унча-мунча гап қулоғига кирмайди. Ҳозир ҳам Сайфулла «пучуқ» туртмагунича...

— Ҳа, деб ётавераркан-да! Момой кепти, чиқмайсизми?

Чол ўрнидан турди-да, «кампирдан айланай, шуни ўйлаб ётувдим-да!», деб оёғига шиппагини илди.

— Кампир деса йўрға отдай чопасиз-а, қари тулпор, — Сайфиддин чолнинг кетидан ха.холаб кулиб қолди.

Чол чиқиши билан Фатхулла амаки палатадагиларнинг жонига теккан «пластинкасини» қайта айлантирди:

— Бобой зў-ўр-р! Уч кунда отдай бўлиб кетди-э!

Унинг гапига ҳеч ким парво қилмади.

Фатхулла амаки Уктам томонга ағдарилди. Уктам бу палатага яқинда келганди. Енгил шамоллаган. У палатадагиларнинг энг кичиги.

— Етмиш саккизга кирган, мана шу чол. Дўхтирлар танасидан уч литр сув олишди. Вой деганини эшитмайсан-а? Бирам уруғи сероб-эй! Бўзчини мокисидай қатнашади. Бу — қари чол бўлса...

Амакининг гапини эшитиш қандайдир ноўнғай эди. Сўз ҳам шунча оғир бўларкан-да! Уктам оғир юк остида қолгандай бесаранжом бўла бошлади.

— Узийз тузукмисиз, энди, амаки...

— Маза йўқ, — у Уктамнинг гапини оғзидан юлиб олди. — Ҳеч тузалмаяпман. Мендан кейин келганлар ҳам кетиб бўлди. Ётганимгаям, уч ойдан ошди, чамамда. Э, акаси, — у қўлини оғзининг бир чеккасига қўйиб шивирлади. — Бизга қарайдиган аёл дўхтир бор-у, ҳеч нарсани билмайди...

Тарақ этиб эшик очилди. Ҳалим бобо палатага кириб, оғрингандай, бориб жойига чўзилди. Чамаси қарив тушиб-чиқиб толиққан эди. Бир оздан сўнг у ёнига ағдарилди-да, ёнбошлади.

— Жонжон яхши кўради-да, мани. «Дадам касал» деб эшитибди-ю... Бухородай жойдан учиб келибди-я! Тошкент билан Бухорони ораси анча кепқоса кераг-ов? — Ҳалим бува гапини тасдиқлатиш учун Уктамга боқди.

—Ҳа, олис, — деди Уктам.

— Узи... қурувчи бўлиб ишлайди, ҳозир газлиликларга уй қуришяптийкан. — Чол индамасдан дераза томонга тикилди.

— Очарчилик пайти. Нафас оласан, тириксан, лекин нон йўқ! Бир бурда нонни бир қоп пулга зўрға топасан. Уни ҳам топган топади. Топмаган, э, — чол қўлини силтади. — Нимасини айтай. Бир куни ўтди-да!... Якшанба куни эди. Эрталаб дарвозани очсам, бир қозоқ бола совуқда дириллаб турибди. Чурик кийимлари қимирласа устидан тўкилиб тушадигандай.

— Ҳа, кимсан, десам индамайди, йиғлайди. Шунда ўзим ҳам йиғлаворибман. У оч эди, — бува бошини эгди, Усиқ қошлари кўзини беркитди.

— Дарров уйга обкириб, қўлига иссиқ сув, нон бердим.

У исмини ҳам билмасди, гапимизга яхши тушунмасди ҳам. «Бола ўнсимасин, одамлик меҳрини йўқотмасин», деб ҳар гапига жон, бирор иш буюрмоқчи бўлсак ҳам «жон эшикни оч, жон пиёлани келтир» деб муомала қилдик... Унга гувоҳнома олишга тўғри келди. Шартта исмини Жонжон, фамилиясини Ҳалимов ёздирдим, — дея Ҳалим бобо ўрнидан турди.

Уктамнинг назарида бу чол ўқилмаган катта китобга ўхшаб кетди.

...Икки кундан сўнг Ҳалим бувага ҳам, ҳа деб нолийверадиган Фатхулла амакига ҳам кетишга рухсат берилди. Негадир, Уктам буванинг кетишини истамасди. У бувани кузатиб бекатгача борди. Ҳалим бобо автобусга чиққан... Уктам қизиқ ҳолатга тушиб қолди. Бир нимасидан ажралгандай, гўё яқин кишиси узоққа кетаётгандай туюлди.

Уктамнинг курсдошларини кўриш истаги авжга минди, Улар билан тўйиб суҳбатлашса эди!

Қизиқ. Илгари ҳечам бунақа бўлганмас. Ҳамма курсдошлари келса ҳам Қобил келмас. Чунки у касал бўлиб қолганида Уктам «ана бораман, мана бораман» деб вақтни ўтказиб юборганди. Гап унда ҳам эмас. Уч кундирки, на бирон дўсти, на бирон курсдоши «ҳолинг қалай?!» деб келди. У бўлса...

«Одамдан нолима!» Унинг қулоқлари остида Ҳалим бобонинг майин товуши жаранглаётгандай эди...

Ражаб РАУПОВ.

•*Санъат оламида*

Нафосат куйчиси



ЧОЙХОНАЧИЛИК ҳам ўзига хос бир санъат. Ўта мураккаб, ўта нозик маҳорат санъати ҳисобланади. У қабул қилаётган ҳар бир киши характерини сезгирлик билан кузата билиши, доим яхши кайфиятда юриши керак. Унинг ҳузурига ташриф буюраётган «чойхўрлар», чой ичиш мақсадида эмас, асосан, маданий дам олгани, ҳордиқ чиқаргани келишади.

Биз, таъриф ва тавсиф қилаётган чойхончининг асл қиёфаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомовнинг «Чойхоначи» асарида ўз аксини топган. Ёзги чойхона. Ям-яшил дарахтлар, анвойи гуллар... Атрофи ғабжум ва файзли. Хуллас, ҳамма ёқ ораста. Келганлар соя-салқинда, сўрида ўтиришиб ҳузур қилиб чой ичишмоқда. Олдинги қаторда йирик инсон тасвирини кўриб, завқ билан боқамиз. Бир томонда катта самовар, иккинчи томонда пиёла, чойнак ва патнислар. Ўртада очиқ юзли, миллий кийимли чойхоначи. Елкасида оппоқ сочиқ. Патнисни артмоқда. Чойхоначининг олдида кимдир борга ўхшайди. Чой ва нонушта сўраган бўлса керак. Чойхоначи унинг хизматини бажариш учун гулгун табассум билан тайёргарлик кўряпти. Рассом чойга келган кишини бизга намоён этмаса-да, биргина чойхоначи орқали чойхўр образини тасвирлаган.

Тасвир устаси Зокир Иноғомов шу асарида портрет яратиш санъатини намойиш қилиш билан бир қаторда ҳур диёримизни, жаннатмисол табиатини, хуш ҳавосини мадҳ этади.

Ижод соҳиби «Чойхоначи» картинаси ниҳоясига етказиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилиши билан асари ҳақида ижобий фикрларни эшитди.

Зокир Иноғомов халқимиз ҳаёти ва миллий хусусиятларини пухта биладиган рассом. У меҳр билан ёндошганидан ижод жараёнида ўзини эркин сезади. Кези келганда асарининг биринчи томошабини бўлиб, ўзи томоша қилади. Агар завқланса, қайта-қайта кўргиси келаверса, боқиб сира кўзи тўймаса, рассом Зокир Иноғомов ишини шундагина томошабинга кўрсатишга қарор қилади.

Мусаввиримиз дала ҳаётини жуда яхши билади. Нега деганда санъаткорни санъаткор даражасига кўтарган, унга синмас қанот бериб, парвоз эттирган дала эди. Зокир ака қаҳрамонларини дала қўйнидан топиб, Тошкентдаги «Рассом» комбинатида тўлиб-тошиб жонлантиради.

Шу боисдан З. Иноғомов илҳом ва ихлос билан қиёмига етказган асарлари оддий кишилар, дала манзараларига, конкрет сиймоларига тўла. Айниқса рангларга бойлиги ва ҳаётийлиги билан одамларга қувонч беради.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейининг катта илмий ходими.

МАЖНУНТОЛ

ҲИКОЯ

ЯНА шу ерга келиб қолдим. Билмадим, ўтмиш хотиралар етакладими, яна келдим. Ана, анҳор суви унсиз оқяпти. Тип-тиниқ. Остидаги силкиниб турган ям-яшил сув ўтлари кўриниб турибди. Бир вақтлар ўзига сиғмай шовуллаган анҳор маъюс тортиб қолгандай, Ана, сувга бош эгиб турган мажнунтол ҳам сарғайган япроқларини кўтаришдан толиққандай маҳзун турибди.

Бир вақтлар Шакар билан худди шу ерда кўришардик. Худди шу мажнунтол остида уни илк бор қучган эдим. Энди ҳаммаси ўтди. Ҳаммаси...

Танишувимиз оддийгина бўлувди. Ўрта мактабни битиришим керак эканини армияда юрганимда тушундим. Қайтишим билан энг аввал шуни ҳаракатини қилдим. Кечки мактабнинг тўққизинчи синфига ҳужжат топширдим. Назаримда кечки мактабда ўқиш қандайдир зерикарли, ортиқча нарсадек туюларди. Аммо биринчи бор синф хонасига кирдиму, ичимда чироқ ёниб кетгандек бўлди. Ўртада дераза олдидаги қаторда у ўтирарди. Қизиқ, энди заводдаги ишим осон кўчалиган, қачон кеч бўлишини, мактабга келишини кутадиган бўлиб қолдим.

Шакар ательеда ишлар, назаримда у ҳам ишдан тезроқ чиқиб, мактабга шошилиб келарди.

Учрашдик. Мажнунтол олдига келдик. Кейин деярли ҳар куни шу ерга келадиган бўлдик. Умримнинг энг сермазмун кунлари бошланди.

Мактаб ҳам битди. Уйдагилар тўй тараддудини бошлаб юборишди. Отанг ўлса насиҳатгўй кўпаяди, дегандек етим бўлганим учунми, маслаҳатчим кўп эди.

Тўйга тоғам бошқош бўладиган бўлди.

— Сен жиян кўпам ҳовлиқма,— деди у. Қуда томонни бир суриштирайлик. Қуда бўлгунча кўп синаш, қуда бўлиб хўп сийлаш, деган гап бор. Кампирлар бир суриштиришсин.

Рози бўлдим. Шакар билан гапни бир ерга қўйгандик. Кўнгил тўқ эди.

Эртасига совчилар гап топиб келишди. Шакархонларни к и г а киришдан олдин, уларнинг тўртта қўшнисиникига киришибди. Шакархоннинг оиласини, ўзини ҳар тарафлама суриштиришибди. Қўшнилар кўрган-билганларининг ҳаммасини айтиб беришибди. Аҳир бу, умр савдосида. Шакархон менга ҳар томонлама тўғри келаркану, битта лекини чиқиб қолибди. Беш-олти киши Шакархонни бир йигит билан юрганини, кўпинча иккови гаплашиб турганини айтишибди. Шу гапларни эшитиб совчилар Шакархонларникига кирмай келишибди.

— Мана кўрдингми? — деди тоғам. — Бир балоси бўлмаса мунақа гап юрмайди. Ўша йигит кимлигини аниқла. Тағин умрбод юрагингда қора доғ бўлиб юрмасин. Ҳозир билинмаса ҳам, кейинчалик билинади. Буни айтиб қўйиш менинг жигарлик бурчим. Тоғам менга айтмаган, деб кейинчалик домангир бўлиб юрма тағин.

Шакар билан эртасига кечки пайт учрашдик. Яна шу ерда, мажнунтол тагида учрашдик. Шакарнинг тим қора кўзларига узоқ тикилиб қолдим шекилли, у кулиб юборди.

— Нима бўлди сизга? Ўйинчоғини йўқотган боладек жовдирайсиз.

— Йўқотганим йўғу, энди йўқотаман шекилли, — дедим ижирғаниб.

Шакар киприкларини пирпиратди.

— Тушунмадим.

— Мен ҳам, — дедим қандайдир лоқайдлик билан, — мен ҳам бир нимани тушунмай турибман. Бу ерга фақат мен билан келганмисиз ёки...

У ёғини айтмадим... Айтолмадим. Бор дардимни тўкиб солдим.

— Айтинг, —дедим букилиб. — Совчи-повчилар эшитган гап узунқулоқ, ёлғон гаплар денг.

— Йўқ.— Шакар аллақандай осойишталик билан гапирди. — Бу гаплар туҳмат эмас. Бор эди шунақа одам.

Карахт бўлиб қолдим.

— Ким у? — Бу аҳмоқона сўроқ эканини билсам ҳам оғзимдан чиқиб кетди.

— Нима қиласиз суриштириб?

—Қани ҳозир?

— Ҳозир йўқ.

Шакарнинг кўзига тикилдим. Унинг кўзлари, тим-қора кўзлари биринчи марта хунук кўриниб кетди.

— Нега шуни аввал...— Йўқ у ёғини айтиб ўтирмадим. Фойдаси йўқ эди.

Қўл силтадим-да, индамай бурилиб кетдим. Ортимдан Шакарнинг йиғи аралаш товуши келди:

— Зикр ака, тўхтанг. Илтимос.

Тўхтамадим. Ўз йўлимга кетдим. Кейин... кейин у ҳам ўз йўлига кетди. Турмуш қурганини эшитдим. Кейин ўзим ҳам уйландим.

Ҳаётимдан нолимайман. Бахтсиз эмасман. Лекин мушкул дамларда, бир нималардан юрагим сиқилганда (турмушда нималар бўлмайди дейсиз), шунақа пайтларда мажнунтол остига келаман. Уни эслайман.

Ўтан САДИРОВ.

Навоий кўчасидаги марказий китоб растаси доимо адабиёт ва санъат асарларига иштиёқманд кишилар билан гавжум бўлади. Бу ерда китоб харид қилишнинг энг прогрессив усуллари йўлга қўйилган. Сиз ушбу суратда ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлимида китоб савдоси пайтини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ВАРРАКЛАР БАЛАНД УЧГАНДА

Намхуш кесакларда ўйнайди ҳамал
Тинди самоватнинг мунгли алласи.
Эшик тирқишидан боққан қиз мисол,
Ийманиб турибди ойбаҳор фасли.
Ариқлар лабида хандона ялпиз,
Тароват рақсига йўрғалайди сув.
Ҳу олис қирлардан тошқин,
тинимсиз,
Қалбимга қуйилар сирли бир ғулу.
Уфқ сийнасида уриб чирпирак,
Бир варрак сапчийди кўкка бетоқат.

Номаълум туйғудан титрайди юрак,
Бу қандай ҳаяжон, қандай ҳиссиёт?!
Тақдирнинг қайсидир бурчида
қотган,
Турфа хотиралар қалқди баногоҳ.
Узлигин танимай менинг йўқотган —
Бебош болалигим эмасми бу, оҳ?.
Йигирма уч баҳор кўрибман мана,
Йигирма уч баҳор, гўё бир чақин.
Болалик—варракдек олис, мардона,
Ё узиб кетолмас, ё келмас яқин.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА

Бухоро районининг «Ўзбекистон 40 йиллиги» шаҳар клубидаги «Шалола» ва «Маданият» колхози клубидаги «Гулхайри» ансамблларининг ҳаваскор артистлари шу кунларда Бухоро областидаги кўпгина хўжаликларнинг дала шийпонларида концерт қўймоқдалар. Улар билан бирга дала шийпонларига кўчма кутубхоналар ҳам юборилмоқда.

Деҳқонлар дам олиш вақтида концерт эшитишлари, адабиёт янгиликлари билан танишишлари, китоб танлаб олишлари мумкин.

Область халқ ижодиёти уйи пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш учун махсус график тузди.

(ЎзТАГ).

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг олимлари Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Мирзачўл ва Жиззах чўлининг колхоз ва совхозларига жўнаб кетишди. Ҳосил учун қизғин кураш кетаётган шу кунларда уларнинг билими, маслаҳатлари пахтакорларга мураккаб об-ҳаво шароитлари вужудга келтирган қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам бермоқда.

...Институтда биология фанлари кандидати Р. Раҳмонов липид-ўсимлик мойи биохимиясини ўрганувчи соф «назарий» лабораторияга раҳбарлик қилади. Аммо Сурхондарё областининг В. И. Ленин номли совхозида олим билан директор ва бош агроном суҳбати нуқул амалий масалалар устида бўлди.

— Энг кечиккан ғўзаларга қаҳрабо кислота эритмаси билан ишлов берайлик, — деб таклиф қилди у. — Бунинг зарар келтирадиган томони йўқ, лекин ғўза ўсиши 5—6 кун тезлашиши турган гап. Биз шундай тажрибани қилиб кўрганмиз, дуруст натижалар берган.

Институтда яратилган ғўза ўсишини тезлаштириш мақсадида чигитга экишдан олдин қаҳрабо кислота билан ишлов бериш методи ҳозир хўжаликларда кенг кўламда қўлланилмоқда. Бултур ундан фойдаланиш иқтисодий самараси 15 миллион сўмга яқин бўлди. Шундай бўлсада, методни ишлаб чиққан кишилар, шу жумладан Р. Раҳмонов самарали стимуляторнинг имкониятлари экишдан олдин ишлов бериш билан чекланиб қолмайди, деган фикрдалар. Уларнинг фикрича, ҳозир у, жумладан, Сурхондарё областида ғўза ўсишининг кечикишига қарши курашда таъсирли восита бўла олади. Бу ерд минглаб гектар пахтазорларга олимларнинг тавсиялари ва кузатувлари бўйича ишлов берилди.

Институт ўсимлик морфофизиологияси лабораториясининг илмий ходимлари Тошлок районидаги Карл Маркс номли колхозда ноқулай об-ҳаво оқибатларини енгиб ўтиш бошқача йўлини таклиф қилдилар. Улар аввалги тадқиқотларининг натижаларига асосланиб, ғўза тупларини жўрттага қалинлаштиришни, 1 гектарда одатдагидан 10—15 минг туп кўпроқ қолдиришни тавсия қилдилар.

— Ҳозирги шароитларда бу чора яхши самара беришига аминмиз, — дейди лаборатория раҳбари, биология фанлари кандидати Р. Назаров. —Бундай хулосага биз энди келганимиз йўқ, кўпдан бери шу йўналишда ишлаб бир неча экспериментлар ўтказдик. Бунинг учун аввал лабораторияда ҳозирги об-ҳавога ўхшаш шароитларни сунъий йўл билан вужудга келтиришга тўғри келди, албатта. Эндиликда пахтакорлар билан бирга бевосита далада имтиҳондан ўтишга тайёрмиз.

Ҳамма ерда шундай. Қаерга бормайлик олимлар деҳқонлар билан биргаликда пахта далаларидаги аҳволни энг мақбул тўғрилаш йўлларини излашяпти, конкрет таклифлар киритишяпти, ўзлари шу таклифларни амалга оширишяпти.

— Пахтакорларга етакчи тадқиқотчиларни ёрдамга юбордик. Уларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришни яхши билишидан ташқари одатда пахтачилик практикаси билан алоқадор илмий темани ҳам ишлаб чиқмоқда, — деди институт директори, биология фанлари доктори А. Абдуллаев. —Группаларни хўжаликларга юбориш олдидан ғўза ўсишидаги кечикишни тугатиш турли вариантларини кўзда тутувчи тадбирлар умумий планини муҳокама қилиб белгилаб олдик. Олимларнинг эндиги вазифаси вазиятни ўрнида аниқлаб, пахтакорларга энг самарали ёрдам чораларини танлашдан иборат.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

физкультура ва СПОРТ

САМБО

ГИЛАМДА КУРАШЧИЛАР

Эртага Марказий «Юбилей» спорт залида самбо бўйича Совет Иттифоқи шахсий чемпионатига старт берилади.

Тошкентда мамлакатимиздаги энг кучли самбочилар беллашувини ўтказиш планлаштирилган. Самбо Тошкентда ва Ўзбекистонда энг оммалашиб бораётган спорт турларидан биридир. Шаҳримиздаги ўнлаб спорт секцияларида минглаб спортчилар маҳорат оширишмоқда. «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг самбочилари кўпгина Бутуниттифоқ ва халқаро беллашувларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллашган. Шунингдек, трактор заводининг курашчилари ҳам беллашувларда яхши натижаларга эришиб келишяпти.

Самбо йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Дастлаб малакатимизда шаклланган курашнинг бу тури аста-секин ер шари бўйлаб одим ташлаб боряпти. Ҳозир самбо бўйича жаҳон ва Европа биринчиликлари, йирик халқаро ва Бутуниттифоқ турнирлари ташкил қилинмоқда. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совринлари учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнири малакатимиздаги энг оммавий турнирлардан бири бўлиб қолди. Бу йил у Тошкентда ўнинчи марта ўтказилди. Ғолиблик учун бўлган беллашувларда мамлакатимизнинг 50 шаҳридан келган 436 курашчи қатнашди. Бу турнир ҳақиқий маънода ёшларнинг синовдан ўтказиш турнири вазифасини бажарди, СССР биринчилиги бошланиши олдидан энг кучли спортчиларни аниқлаб олиш имконини берди.

Марказий «Юбилей» спорт залининг ходимлари мусобақаларни ўтказишга пухта тайёргарлик кўришди. Ёритиш жиҳозлари жорий ремонтдан чиқарилди, ювиниш, ечиниш хоналари ва машқ заллари самбо федерацияси Низоми талаби асосида тартибга келтирилди.

Тайёргарлик давомида томошабинлар ҳам ҳисобга олинди. Чемпионатни ўтказишга мўлжаллаб махсус мусобақалар программаси чиқарилди. Турли эсдалик совғаларини сотиш йўлга қўйилди.

Шундай қилиб эртага мамлакат шахсий чемпионати старт олади. Томошабинлар гиламда В. Солодирев, В. Кузнецов, А. Пушница сингари таниқли спортчиларнинг беллашувларини томоша қилишади. Курашнинг ниҳоятда кескин вазиятда ўтиши кутилмоқда.

СУРАТДА: беллашув пайти.

А. Коврейн фотоси.

Мусобақалар хроникаси

Кўп тўпи бўйича СССР Кубоги зонал мусобақалари ниҳоясига етди. Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг гандболчилари Фрунзе шаҳрида беллашдилар. Улар Ашхобод ва Фрунзе командаларини мағлубиятга учратганларидан кейин челябинсклик спортчилар билан бўлган учрашувни дуранг натижа билан якунладилар. Натижада тошкентликлар биринчи ўринни эгаллаб, Кубок баҳсларининг навбатдаги босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бу босқич мусобақалари Рига шаҳрида бўлади.

«Текстильщик» командасининг спортчилари ҳам баҳсларда яхши қатнашдилар. Улар ўз майдонларида Ашхабод ва Душанбе шаҳри командаларини енгиб, СССР Кубогининг учинчи босқич мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Энди ҳамшаҳарларимиз Паневежис шаҳрига бориб баҳсларни давом эттиришади.

* * *

Қўқон шаҳрида фарғонача усулда беллашувчи курашчиларнинг Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети совринлари учун ўтказилган бу беллашувларда республикамизнинг барча областларидан келган спортчилар қатнашдилар.

Чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун 80 дан зиёд энг кучли курашчилар гилам устида бел олишди. Команда ҳисобида биринчи ўринни республикамиз пойтахтининг курашчилари қўлга киритишди. Шахсий ҳисобда ҳамшаҳарларимиздан А. Тожиев, Т. Беков, К. Иброҳимов ва Б. Маматовлар фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

* * *

«Қибрай» дам олиш уйида ўн кун давом этган Бутуниттифоқ шахмат фестивали ниҳоясига етди. Биринчи ўринни новокузнецклик спорт мастерлигига кандидат Смит эгаллади. У тўққиз имкониятдан 7,5 очко тўплашга эришди. Иккинчи ўринга ленинградлик спортчи Белов, учинчи ўринга москвалик Богомолов кўтарилдилар.

Тошкентлик шахматчилар орасида энг яхши натижа кўрсатган спорт мастерлигига кандидат Норкин тўртинчи ўрин билан кифояланди.

• *Ҳар тўғрида*

Автомобилдаги «каламушлар»

Лиссабоннинг «Диарну де лижбоа» газетаси бир хил номерли «Пежо» маркали икки автомобиль суратини босиб чиқарди. Бу ҳар иккала машина ҳам жиноятчилар қўлидан тортиб олинган. Полициянинг таъкидлашича, бундай воқеалар мамлакатда тез-тез содир бўлиб туради. Чиндан ҳам бу ерда автомобиллар учун исталган номерни сотиб олиш қийин эмас.

Мамлакатда автомобиль ўғриларининг сони тобора ошиб боряпти. «Каламушлар» — автомобиль ўғриларини бу ерда шундай ном билан аташади — айниқса сўнгги вақтларда активлашиб қолишди. Чунки машина нархининг оширилиши «каламушлар»нинг ҳамёнини янада қаппайтирадиган бўлди.

Автомобиль хавфсизлигини таъминлаш учун лиссабонликлар ўз машиналарини турли йўллар билан «ҳимоя» қилишяпти. Қоқ ярим кечада ўқдек учиб бораётган ўз эгалари томонидан «ҳимоя» чораси қўлланган автомобилларнинг узлуксиз сигнали қулоқни қоматга келтиради. Бу товушдан машина эгалари эса сергакланишади.

Полиция ҳар куни газеталарда икки маълумот — ўғирланган ва эгасига қайтарилган машиналар ҳисобини эълон қилади. Умумий ҳисоб эса «каламушлар» фойдасига ҳал бўлади.

Сердаромад жой

Чикагонинг жанубидаги 10 минг аҳолига эга бўлган Роббинс шаҳарчасида ғалати воқеа рўй берди. Бирдан кўчаларда полициячилар «йўқолиб» қолишди. Қизиғи шундаки, бу воқеани Роббинс аҳолиси қайғу билан эмас балки, хурсандчилик билан кутиб олди. Бунинг устига шаҳар кўчаларида қуролли жиноятчилар сони кескин камайди. Квартира ва машина ўғрилари камдан-кам учрайдиган бўлди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Роббинснинг маҳаллий прокурори барча полициячиларни бирданига ишдан бўшатди. Чунки жуда кўплаб «тартиб посбонлари» очиқдан-очиқ ўғрилик йўлига ўтиб олишди. Улар йиллар давомида шубҳа билан ушланган кишиларнинг бор-йўғини шилиб олишган. Тинтув ўтказиш баҳонасида хонадонларга бостириб киришди. «Хавфсизликни таъминлаганлари» учун эса гражданлардан пул талаб қилишди. Хуллас ҳамма ерда полиция ҳукмронлик қила бошлади. Бу хабарни маълум қилган Американинг «Интернэшнл геральд трибюн» газетасининг ёзишича, биронта полициячи қамоққа олинмади. Балки, улар икки ой муддатга ишдан бўшатиб юборилди. Шундан сўнг бу. «сердаромад жой» учун янги кишилар танланади. Эски полициячиларга ҳам ўз ишларига қайтиш учун ариза ёзиш ҳуқуқи берилган.

ОЛИМЛАР ЁРДАМИДА

Тошкент областидаги «Хасково» совхозининг ҳосилдор ерлари жарларни текислаш ҳисобидан тўрт юз гектар кенгайди. Ҳозир бу ерда полиз экинлари барқ уриб ўсмоқда, чорва учун пичан ўриб олинди. Пойтахт областидаги Калинин, Янгийўл районларининг хўжаликларида, республиканинг бошқа областларида юзлаб гектар ерлардаги жарликларни текислаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли тупроқшунослик ва агрохимия институтининг олимлари қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот тармоқ муассасаларининг мутахассислари билан ҳамкорликда жарликлар эрозиясига қарши кураш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқдилар. Тожикистон ва Қирғизистон тупроқшунослари ҳам тадқиқот ишларида ва инструкцияларни тузишда актив қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

☆ НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Машина ўғриси

Ширакайф Ўткир Расулов цирк ёнида турган «Москвич» автомашинасини кўрдию, фикри бузилди. Аста бориб машина эшигини очди. Ўриндиққа жойлашиб, моторни ўт олдирди-да, газни босди. Машина бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Кўп вақт ўтмай автомашина ўғирланган жойда одамлар тўпланди. Милицияга хабар қилинди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси марказий пультидан ҳаракатдаги милиция группаларига шошилинч кўрсатма берилди:

— Диққат, диққат! Бир неча минут олдин, цирк бекатидан «Москвич» машинаси ўғирланган. Номери, 64-24 ТШН «ИЖ-фургон». Топиш чораси кўрилсин».

Тун ярмидан ўтди. Бироқ машина топилмади. Ҳаракатдаги милиция группаси бўлинма командирлари милиция катта сержанти Боқи Тўрабоев, катта сержант Қобил Зияев, автоэкипаж шофёри Рустам Хўжаевлар қидиришни янги вариантларини топишга ҳаракат қилишарди.

— Машинани шаҳардан ташқарига олиб кетолмайди. Чунки, барча йўллар назорат қилиняпти. Биронта хонадонга яширган. Лекин қайси хонадонга, буниси номаълум, — деди Қобил Зияев.

— Тўғри, — маъқуллади уни Б. Тўрабоев, — машинани бир-икки кун кўчага чиқармайди. Уни қисмларга ажратиб сотиб юборса керак. Бироқ, бу бизнинг тахминимиз. Ҳушёрликни йўқотмаслик керак.

... Қ. Зияев ўзи тахмин қилган жойлардан бири — Генерал Узоқов кўчасига яқинлашганда йўл четида турган автобусни кўриб шубҳаланди. Тутзор ичкарисида уч-тўрт киши «Москвич»ни қисмларга ажратишаётган эди. Тахмин тўғри чиқди. Ўткир Расулов ва унинг ҳамтовоқлари қўлга олинди.

Улар кимлар? Ахир Ўткир машинани бир ўзи олиб қочган эдику? Ҳа, у «Москвич»ни ҳайдаб қочгач, хуморданчиққунча ҳайдамоқчи бўлди. Бироқ, орқа ўриндиқдаги 150 сўмлик телпак ва запас балонни кўриб, фикри ўзгарди. Ўткир, қамоқдан чиққан дўсти Йўлдош Одиловга учрашди. Жабрланувчига тегишли бўлган телпак ва запас балонни Йўлдошга совға сифатида топширди. Ана шундан кейин улар «Москвич»ни «гум» қилиш масаласини муҳокама қилишди. И. Одилов вояга етмаганларни ичкиликка жалб этгани ва ўғрилик қилгани учун қамалиб чиққан эди. У бутун бошлиқ машинани «йўқ» қилиш учун аввало уни қисмларга ажратиш кераклигини айтди. Бунинг учун кам деганда беш-олти киши керак эди. Улар ҳам дарров топила қолди. Улфатлар айтилган муддатда катта ўлжадан «нарсалик» бўлиб қолиш ниятида келишилган ерга йўл олдилар.

Сергак милиция ходимлари Қ. Зияев, Б. Тўрабоев, автоэкипаж шофёри Р. Хўжаевлар уларни жиноий иш устида қўлга туширдилар. Улар қилмишларига яраша жазо олишди. Автомашина корхонага, шахсий мулк ўз эгасига қайтарилди.

Х. МУИДИНОВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —13/VI да **Оққуш кўли**, 14/VI да **Флория Тоска**, 15/VI да **Оламнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VI да **Уйланиш**, 14/VI да **Оқшомдан тушгача**, 15/VI да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/VI да **Она қизим**, 14/VI да **Шаҳзода ва етим қиз**, 15/VI да **Олифта**.

КИНО

12 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (17.30, 19, 20.30, 21.45).

Синаш — «НУКУС» (кечқурун).

Мўйловли энага — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Идзулик раққоса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қойилмақом хаёлпараст — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18.20, 21.30), «КУКЧА» (кечқурун).

Гайдуклар шарафи — ҲАМЗА номли (17, 19, 20.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

Транссибирь экспресси — «ХИВА» (20.45, 22.20).

13 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45).

Синаш — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Мўйловли энага — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Идзулик раққоса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қойилмақом хаёлпараст — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 20, 21.30), «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Гайдуклар шарафи — ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).

Транссибирь экспресси — «ХИВА» (20.45, 22.20).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
16—25 ИЮНЬ КУНЛАРИ
«ЛИЛИПУТЛАР РЕВЮСИ»НИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.30, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

Ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача

«АВТОРАЛЛИ», «ПОДВОДНАЯ ОХОТА», «МЕТКИЙ СТРЕЛОК», «ОХОТА» электрон аттракционлари ҳамда «КАЧАЛКА-САМОЛЕТ», «СПУТНИК», «РАКЕТА» аттракционлари

ИШЛАЙДИ

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ УЙИ ХАЛҚ ТЕАТРИ

ўз ижодий фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида

ДРАМА БЎЙИЧА
ҲАВАСКОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хоҳловчи қиз ва йигитлар театрга келиб ёзилишлари мумкин.

Бизнинг адрес: Ҳамза кўчаси, 10-уй, Охунбобоев номидаги шаҳар маданият уйи (1, 2, 4, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

Театримизга марҳамат қилинг, азиз ҳаваскор дўстлар!

Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси ва шаҳар китобсеварлар жамияти

15 ИЮНДАН 24 ИЮНГАЧА

БУКИНИСТИК КИТОБЛАР ДЕКАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ МАГАЗИНЛАР

антиквар ва букинистик нашрга оид бадиий, илмий адабиётлар, мемуарлар, санъатга оид ва бошқа адабиётларни

СОТИБ ОЛАДИ

Шунингдек, бадиий адабиётларни, обуна нашрларини СССР Министрлар Совети қошидаги давлат баҳо комитети тасдиқлаган янги нархларга мувофиқ оширилган баҳоларда сотиб олади.

1961—1974 йилларда нашр этилган ва харидорлар ўртасида талаб катта бўлган совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедик ва луғат нашрларига дастлабки нархига икки ҳисса кўп баҳо қўйилади (каталог-прейскурантга киритилмаган китоблардан ташқари). Агарда китоблар белгиланган нархларда сотишга шубҳа уйғотса, улар аҳолидан комиссияга қабул қилинади.

Бадиий адабиётларни топшираётганда алмаштириш ҳисобига янги китоблар олишлари мумкин. Жумладан, фондда **Г. Свиридовнинг «ДЖЕКСОН ОСТАЕТСЯ В РОССИИ», Б. Ласкиннинг «ДРУЗЬЯ И СОСЕДИ», Н. Пришвиннинг «Избранное», Ю. Бондаревнинг «Горячий снег» ва бошқа китоблар мавжуд.**

Декада даврида 13 ва 31-ихтисослашган букинистик китоб магазинларида бадиий адабиётларни энг яхши олиб келиб топширувчи конкурси ўтказилади.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ УЧУН 3 ТА МУКОФОТ БЕЛГИЛАНГАН.

I МУКОФОТ — И. Гончаровнинг 8 томлик асарлар тўпламига обуна;

II МУКОФОТ — С. Есениннинг 6 томлик танланган асарлар тўпламига обуна;

III МУКОФОТ — С. Наровчатовнинг 3 томлик асарлар тўпламига обуна.

КОНКУРС ЯКУНЛАРИ 23 ИЮНДА ЧИҚАРИЛАДИ.

24 ИЮНДА

М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида
БУКИНИСТИК АДАБИЁТЛАРНИНГ
САВДО КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўзингизга кераксиз бўлган барча китобларни букинистик магазинларга ва «ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдосининг бўлимларига сотишингизни сўраймиз:

13 магазин — Навоий кўчаси, 16-уй.
31-«Букинист» магазини — Навоий кўчаси («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида).
12-магазин — Пушкин кўчаси, Марказ-1, 6-корпус.
4-магазин — Привокзальная кўчаси, 12-уй.
9-магазин — Новомосковская кўчаси, 31-уй.
16-магазин — Гагарин кўчаси, 66-уй.
18-магазин — Сергели шаҳарчаси, 9-квартал, 59-уй.

Китоб топшираётганда ёнингизда паспорт бўлиши шарт.

КАТТА КУТУБХОНАЛАРНИ КЎРИШ УЧУН УЙГА ТОВАРШУНОС ЮБОРИЛАДИ.

Букинистик китоблар декадасида фаол қатнашингиз!

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ
«ОТДЕЛСТРОЙ» трестига

бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, облицовкачилар, монтажчилар, ойна қўювчилар, қурувчи слесарлар, шофёрлар, колерчилар, оҳакчилар

КЕРАК

ЁЛҒИЗ КИШИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

тракторчилар, кўприк ва таянчли кран машинистлари, темирчилик-пресслаш ускуналарининг операторлари, йиғувчи-слесарлар, ремонтчилар, станокчилар, темирчи-штамповкачилар, штамповкачилар

КЕРАК

ЁЛҒИЗ КИШИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

СЕРГЕЛИ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

қурилиш ва йўл машиналари, асбоб-ускуналар ремонти бўйича слесарлар, электрослесарлар, металл бўйича токарлар

КЕРАК

ЁЛҒИЗ КИШИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАЛАРИГА

электромонтажчилар, созловчи электрослесарлар, газ-электр пайвандчилар, ишлаб чиқариш ва электр лабораторияларининг тайёрловчи группа инженерлари

КЕРАК

С. РАҲИМОВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

операторлар, созловчи-слесарлар, сантехниклар, йиғувчилар, автопогрузчик ҳайдовчилари, нормаловчилар, токарлар, бўёқчилар

КЕРАК

ЁЛҒИЗ КИШИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОНИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОНИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОНИ — Карл Маркс кўчаси 59-уй.
КИРОВ РАЙОНИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОНИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОНИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОНИ — Райисполком, Совет Армияси майдони.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

12 ИЮНЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 19.15 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Қайта қуриш — бош йўналиш». Кўрсатувда КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин иштирок этади. 20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Шотландия — Голландия терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Калинин шаҳар вагонсозлик заводининг ёшлар клубида дўстлар учрашуви. 23.10 СССР Давлат академик симфоник оркестри чалади. Дирижёр — Э. Чакиров (Болгария). Программада П. Владигеров ва Р. Штраус асарлари. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Тяп ва Мика». Болалар учун мультфильм. 18.55 Халқаро масалалар бўйича телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбекистоннинг қўшиқлари ва рақслари». Телевизион фильм-концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон композиторларининг опералардан ариялар ва дуэтлар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Қонунга мувофиқ». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 М. Горький. «Матвей Кожемякин ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Ўқитувчилар экрани». 21.05 «Кичик концерт». Телевизион фильм-концерт. 21.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш».

13 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Буюк эртакчининг сири». Бадиий фильм (ЧССР). 11.10 «Ҳайвонот оламида». 12.10 П. И Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 15.30 «Беш йиллик қурилишларида». «Бригада пудрати». Телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 16.15 «Звёздочёт». Телевизион журнал. 17.15 А. Твардовский. «Поэмалар».

17.45 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Катта болалар хорининг концерти. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 «Инсон ва қонун». 19.30 Халқаро конкурслар лауреати С. Лейферкус куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.50 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Она». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Совет куйларининг танланган саҳифалари». Арманистоннинг музика санъати. 23.15 «Қардошлик орбитаси». Ҳужжатли фильм. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи». 18.30 «Фан» программаси. 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 Телевизион театр. М. Байжиев. «Ҳар хонадонда байрам». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо, еткур саломимни». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова ва А. Эркаев ижросида классик қўшиқлар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Камолот сари». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 М. Горький. «Матвей Кожемякин ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Диалектика қонунлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 21.05 «Агар сен ишчи бўлсанг». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.25 Абитуриентлар учун. Физика.

12 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Гашкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42.

Р—07646. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1332.